

Сийрат дарслари (66-дарс). Беш вақт намоз гуноҳларга каффоротдир агар...



17:03 / 03.01.2020 5530

310. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Менга аёллар ва хушбўйлик маҳбуб қилинди ва намоз кўз қувончимга айлантирилди».**

Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган.

311. Робиъа ибн Каъб Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга тунаган эдим. У зотга таҳорат сувлари ва бошқа ҳожатлари тушадиган нарсаларини келтирдим. У зот: **«Сўра»**, дедилар. «Жаннатда сизга рафиқ бўлишни сўрайман», дедим. **«Бундан бошқани эмасми?»** дедилар. «Шунинг ўзини», дедим. **«Ундай бўлса, ўзинг учун кўп сажда билан менга ёрдамлаш»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

312. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Беш вақт намоз, жумадан жумагача ва Рамазондан Рамазонгача** (бўлган ушбу ибодатлар) ўз

ораларидаги (гуноҳ)ларга каффоротдир, модомики кабира гуноҳлардан тийилинган бўлса», дедилар.

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан